

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**22-сон**  
**(158)**  
**2005 й.**  
**май-июнь**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуққий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

156. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва баъзиларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 майдаги ПФ-3613-сон Фармони
157. «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги ПҚ-91-сон қарори
158. «2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги ПҚ-92-сон қарори

*Учинчи бўлим*

159. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 31 майдаги 138-сон қарори

## Бешинчи бўлим

160. «Тижорат банкларининг кредит сиёсатига талаблар тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 12 майдаги 10/3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 майда 905-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
161. «Тугатилаётган иқтисодий ночор қурилиш ташкилотларининг қурилиш техникаси, транспорт воситалари ва кичик механизация воситалари, шунингдек молмулкни реализация қилиш натижасида келиб тушган маблағларни уларнинг бюджетга солиқ тўловлари бўйича қарзларини қоплаш ҳисобига «Қурилиш-лизинг» лизинг компаниясига бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулк қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг 2005 йил 12 апрелдаги 39, 2005-34, 01/06-15/01, ГС-05/02-84-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 майда 1476-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
162. «Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2005 йил 20 майдаги 46, 96, 2005-26, 245-В-29-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 30 майда 1333-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
163. «Банкларнинг оддий векселлари ва депозит сертификатлари бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 12 майдаги 10/6-сон қарори (янги таҳрирда). (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 30 майда 1477-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
164. «Ўзбекистон Республикасида товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг 2005 йил 25 майдаги НН-01/10-2298-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 1 июнда 945-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 28 майдан 4 июнгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **156** Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва баъзиларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 16 февралдаги ПҚ–10-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 9 апрелдаги ПФ–1987-сон Фармонида:

6-банднинг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

8-банддаги «ва «Замин» банки» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иловага мувофиқ баъзи фармонлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Қуйидагилар белгилансин:

«Уйжойжамғармабанк» томонидан расмийлаштирилган кредит шартномалари бўйича жисмоний шахсларнинг даромад солиғига оид имтиёзлар мазкур шахслар олинган кредитлар бўйича қарзларини тўлиқ тўлагунга қадар сақланади;

солиқ имтиёзларидан фойдаланган ҳолда собиқ «Уйжойжамғармабанк»да шакллантирилган жамғарув ҳисобварақаларидаги пул маблағларининг эгалари ипотека кредитлари олиш чоғида мана шу маблағларни бошланғич бадал сифатида йўналтиришга ҳақлидирлар. Бунда, мазкур пул маблағлари бошқа ҳисобвараққа ўтказилган ёки жамғарув ҳисобварағи ёпилган ҳолларда жамғарув ҳисобварағи эгалари жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича аввал уларга берилган имтиёзлар суммасига тенг пул маблағларини бюджетга қайтаришлари лозим.

4. Ушбу фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 30 май,  
ПФ–3613-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2005 йил 30 майдаги  
ПФ-3613-сон Фармониغا  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган фармонлари рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада уй-жой қурилишини рағбатлантириш ва ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 1994 йил 5 мартдаги ПФ-774-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида» 1996 йил 31 январдаги ПФ-1366-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг уй-жой қурилишида ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 24 мартдаги ПФ-1739-сон Фармони.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **157 Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида**

Ахборот ва компьютер технологиялар бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ахборот-коммуникация ҳамда инновация технологияларини таълим жараёнига тадбиқ этишни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Тошкент ахборот технологиялари университети ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича бош олий ўқув муассасаси этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳокимликларининг 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб Нукус, Қарши, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида Тошкент ахборот технологиялари университетининг минтақавий филиалларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Миллий университетида, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида, Тошкент ислом университетида таълимнинг «информатика ва ахборот технологиялари» йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш сақлаб қолинсин.

2005/2006 ўқув йилидан бошлаб бошқа барча олий таълим муассасаларида таълимнинг «информатика ва ахборот технологиялари» йўналиши бўйича талабалар қабул қилиш тўхтатилсин ва ушбу йўналиш бўйича таълим олаётган 2-4 курсларнинг талабалари таълимни давом эттириш учун 1-иловага мувофиқ Тошкент

ахборот технологиялари университетига ва унинг минтақавий филиалларига белги-ланган тартибда ўтказилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида таълимнинг «информатика ва ахборот технологиялари (соҳалар бўйича)» йўналишида бакалаврлар тайёрлаш бўйича 2005/2006 ўқув йилига қабул квоталари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қўйидагилар:

Тошкент ахборот технологиялари университетининг ходимларнинг чекланган сони 390 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 72 нафар бўлган ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Тошкент ахборот технологиялари университети минтақавий филиалларининг намунавий тузилмалари 4 ва 5-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

6. Тошкент ахборот технологиялари университети филиалларини очиш, уларни жойлаштириш ва моддий-техник жиҳозлаш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш учун 6-иловага\* мувофиқ таркибда махсус ҳукумат комиссияси тузилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

икки ҳафта муддатда Тошкент ахборот технологиялари университети минтақавий филиаллари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетининг амалдаги Уставига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Давлат тест маркази билан биргаликда 2005/2006 ўқув йилида Тошкент ахборот технологиялари университетининг минтақавий филиалларига талабалар қабул қилиш бўйича тест синовлари ўтказиш борасида зарур чора-тадбирлар кўрсин.

8. Тошкент ахборот технологиялари университети бир ой муддатда таълимнинг «информатика ва ахборот технологиялари (соҳалар бўйича)» йўналишида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда филиалларни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Тошкент Ахборот технологиялари университети учун 2005 йилга тасдиқланган бюджет маблағлари миқдорига тегишли ўзгартиришлар киритсин ҳамда Тошкент Ахборот технологиялари университетига ва янги ташкил этиладиган минтақавий филиалларда таълимни ташкил этиш учун зарур бюджет маблағлари ажратилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда бериладиган бино ва иншоотларни 2005/2006 ўқув йили бошланишига қадар капитал таъмирлаш, шунингдек зарур ўқув лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва кутубхона фонди билан жиҳозлаш амалга оширилишини назарда тутган ҳолда маблағлар ажратишни кўзда тутсин.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 июнь,  
ПҚ-91-сон

---

\* 6-илова берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2005 йил 2 июндаги ПК–91-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Таълимнинг 5521900-«информатика ва ахборот технологиялари  
(соҳалар бўйича)» йўналишида таълим олаётган талабаларни  
Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг  
минтақавий филиалларига ўтказадиган республика олий таълим  
муассасалари рўйхати**


<b>Олий таълим муассасаси номи</b>	<b>Ўтказиладиган 2-4 курслар талабалари сони</b>	<b>Талабалар ўтказиладиган олий ўқув юртлари номи</b>
Тошкент давлат техника университети	450	Тошкент ахборот технологиялари университети
Тошкент архитектура- қурилиш институти	154	Тошкент ахборот технологиялари университети
Тошкент кимё- технология институти	72	Тошкент ахборот технологиялари университети
Қорақалпоқ давлат университети	94	Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиали
Самарқанд давлат университети	383	Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали
Жиззах политехника институти	238	Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали
Бухоро давлат университети	48	Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали
Қарши давлат университети	20	Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали
Қарши муҳандислик- иқтисодиёт институти	49	Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали
Наманган муҳандислик- педагогика институти	132	Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали
Андижон давлат университети	31	Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали
Андижон муҳандислик- иқтисодиёт институти	98	Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали
Фарғона политехника институти	192	Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали
Урганч давлат университети	194	Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали
<b>Жами</b>	<b>2155</b>	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2005 йил 2 июндаги ПҚ-91-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларида  
таълимнинг 5521900-«информатика ва ахборот технологиялари  
(соҳалар бўйича)» йўналишида бакалаврлар тайёрлаш бўйича  
2005/2006 ўқув йилига қабул квоталари**

Олий таълим муассасаси номи	2005/2006 ўқув йили учун қабул квоталари		
	Ҳаммаси	шу жумладан:	
		грант	контракт
Тошкент ахборот технологиялари университети — ҳаммаси	795	340	455
Шу жумладан:			
Тошкент ахборот технологиялари университети	285	120	165
Нукус филиали	30	10	20
Самарқанд филиали	180	80	100
Қарши филиали	60	25	35
Фарғона филиали	180	80	100
Урганч филиали	60	25	35
Ўзбекистон миллий университети	50	20	30
Тошкент давлат иқтисодиёт университети	40	15	25
Тошкент ислом университети	15	5	10
<b>Ҳаммаси:</b>	<b>900</b>	<b>380</b>	<b>520</b>

**Тошкент ахборот технологиялари университетининг ташкилий тузилмаси**



Ходимларнинг умумий сони — 390 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 72 киши.




### Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд ва Фарғона филиалларининг намунавий тузилмаси



Ходимларнинг умумий сони — 49 киши,  
шу жумладан бошқарув ходимлари — 17 киши.

**Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус, Қарши, Урганч  
филиалларининг намунавий тузилмаси**



Ходимларнинг умумий сони — 31 киши,  
шу жумладан бошқарув ходимлари — 13 киши.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**158 2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танлаб олиш, республикамиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳалари учун замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, замонавий компьютер ва ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари учун олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш ва уларнинг сифатини ошириш мақсадида:

**1. 2005/2006 ўқув йилида:**

бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул квотаси 51175, шу жумладан 19975 давлат грантлари ва 31200 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 1-иловага\* мувофиқ тақсимлансин;

магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул квотаси 6200, шу жумладан 1500 давлат грантлари ва 4700 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича 2-иловага\* мувофиқ тақсимлансин;

олий таълим муассасалари таркибида ташкил этилган махсус сиртки бўлимларга ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлардан, жумладан болалар спорти мураббийларидан бакалаврлар тайёрлаш учун умумий қабул квотаси 5065, шу жумладан 1265 давлат грантлари ва 3800 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 3-иловага\* мувофиқ тақсимлансин.

2. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддатда ўзларига қарашли олий таълим муассасаларида давлат грантлари ва тўлов-контракт асосидаги бакалаврият ва магистратура бўйича қабул квотасини таълим тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларини Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида умумий қабул квотаси 60 кишидан иборат икки йиллик махсус Олий журналистика курсларини очсин.

Белгилансинки:

Олий журналистика курсларига бошқа йўналишлар бўйича бакалавр даражасига эга бўлган ва журналистика соҳасида ўз ижодий қобилиятини кўрсатган мутахассислар танлов асосида қабул қилинади;

Олий журналистика курсларида ўқитиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

Олий журналистика курслари битирувчиларига ўқиш якунида «журналистика» мутахассислиги бўйича магистр даражаси ва белгиланган намунадаги диплом берилади.

4. 2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг янгиланган таркиби 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

\* 1—4-иловалар берилмайди.

5. Давлат комиссиясига (Р.С. Қосимов), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда, олий таълим муассасалари бакалавриати ва магистратурасига қабул қилиш тест синовлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, белгиланган умумий қабул квоталари доирасида, қабул кўрсаткичларига зарур ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда:

2005/2006 ўқув йилидан бошлаб барча таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида тахсил олган олий таълим муассасалари битирувчиларини мажбурий тартибда камида уч йил ишлаб бериш шарти билан таълим муассасаларига, корхона ва ташкилотларга ишга тақсимлаш амалиётини жорий этсин;

Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2005/2006 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалавриат ва магистратурага ҳамда махсус сиртқи бўлимларга белгиланган қабул квотасини ҳисобга олган ҳолда бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

8. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 4 ноябрдаги 519-сон қарорига 9-илова;

Вазирлар Маҳкамасининг «Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 26 февралдаги 88-сон қарори 2-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 июнь,  
ПҚ-92-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **159** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 16 февралдаги ПҚ–10-сон қарори асосида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 31 май,  
138-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 31 майдаги 138-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 22 апрелдаги 168-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 4-сон, 16-модда) 1-иловадан «Замин» банки» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Устав сармоясида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган Тижорат банклари кенгашлари раисларини тасдиқлаш тўғрисида» 2000 йил 11 июлдаги 265-сон қарорига 1-иловадан «Замин» банки: Асқаров М.А. — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 63-модда) 1-илованинг 15-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«15. «Ипотека» — банк».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия

жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 3 апрелдаги 162-сон қарорига 1-илованинг 15-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«15. «Ипотека» — банк».

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 14 апрелдаги 181-сон қарорига 1-иловада «Ҳамидов Б.С. — «Ўзуйжойжамғармабанк» бошқаруви раиси» сўзлари «Шорахбаров Р.Қ. — «Ипотека» — банк» акциядорлик тижорат ипотека банки раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 9-сон, 94-модда) 1-илованинг 4-бандида «Ўзуйжойжамғармабанк» сўзи «Ипотека» — банк» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 12 октябрдаги 475-сон қарорида:

3-иловадан «Замин» банки» сўзлари чиқариб ташлансин;

5-иловада «Ўзуйжойжамғармабанк» сўзи «Ипотека» — банк» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 31 майдаги 138-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада уй-жой қурилишини рағбатлантириш ва ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 1994 йил 5 мартдаги 774-сон Фармонини амалда рўёбга чиқариш масалалари ҳақида» 1994 йил 31 мартдаги 175-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Якка тартибда уй-жой қурувчиларга ва уй-жой-қуриш кооперативларига деворбоп материалларни имтиёзли нархларда сотиш тартиби тўғрисида» 1994 йил 7 апрелдаги 191-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ихтисослаштирилган «Замин» давлат- акционерлик ипотека банкини ташкил этиш тўғрисида» 1995 йил 7 сентябрдаги 350-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкентуйжойжамғармабанк» давлат-акционерлик уй-жой-жамғарма банкини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1996 йил 8 февралдаги 52-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 2-сон, 5-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкентуйжойжамғармабанк» давлат-акционерлик уй-жой-жамғарма банкини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1996 йил 8 февралдаги 52-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида» 1997 йил 19 февралдаги 90-сон қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 22 июлдаги 366-сон қарори.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ихтисослаштирилган «Замин» давлат-акциядорлик ипотека банкининг ипотека кредити бериш имкониятларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 4 декабрдаги 536-сон қарори.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида уй-жой қурилишини рағбатлантириш юзасидан қўшимча шарт-шароитлар яратиш тўғрисида» 1998 йил 8 июндаги 244-сон қарори.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1998 йил 24 июлдаги 312-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 7-сон, 28-модда) илованинг 3-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 1999 йил 30 апрелдаги 202-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 22-модда) 1-илованинг 9-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкентуйжойинвестқурилиш» Тошкент молия-қурилиш корпорациясини тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 13 апрелдаги 145-сон қарори.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислох қилишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 24 мартдаги 104-сон қароридан келиб чиқадиган ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2001 йил 5 январдаги 5-сон қарорига илованинг 6-банди.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 9 мартдаги 119-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 17-модда) 6-илованинг II бўлими 2-банди.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 28 февралдаги 112-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 19-модда) илованинг 6-банди.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2004 йил 17 январдаги 28-сон қарорига илованинг 3-банди.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2004 йил 26 февралдаги 89-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 16-модда) илованинг 2-банди.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**160 Тижорат банкларининг кредит сиёсатига талаблар  
тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
28 майда 905-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 7 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Тижорат банкларининг кредит сиёсатига талаблар тўғрисида»ги низомга (2000 йил 2 март, рўйхат рақами 905) иловага\* мувофиқ қўшимчалар киритилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кун ўтгач кучга киритилсин.
3. Ушбу қарор кучга кириши билан ҳар бир тижорат банки бир ой муддат ичида ўз кредит сиёсатига тегишли қўшимчаларни киритсин ва уни ижро этилишини таъминласин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 12 май,  
10/3-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.



ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА  
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ  
ИҚТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНАЛАР ИШЛАРИ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**161** Тугатилаётган иқтисодий ночор қурилиш ташкилотларининг қурилиш техникаси, транспорт воситалари ва кичик механизация воситалари, шунингдек мол-мулкни реализация қилиш натижасида келиб тушган маблағларни уларнинг бюджетга солиқ тўловлари бўйича қарзларини қоплаш ҳисобига «Қурилиш-лизинг» лизинг компаниясига бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
28 майда 1476-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 7 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 октябрдаги «Капитал қурилишда ижара ва лизинг хизматлари тизимини жорий этиш тўғрисида»ги 462-сонли қарорининг 4 ва 5-бандлари ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. Тугатилаётган иқтисодий ночор қурилиш ташкилотларининг қурилиш техникаси, транспорт воситалари ва кичик механизация воситалари, шунингдек мол-мулкни реализация қилиш натижасида келиб тушган маблағларни уларнинг бюджетга солиқ тўловлари бўйича қарзларини қоплаш ҳисобига «Қурилиш-лизинг» лизинг компаниясига бериш тартиби тўғрисида низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин;

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан ўн кундан сўнг кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 12 апрель,  
39-сон

**Давлат солиқ қўмитаси Раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 12 апрель,  
2005-34-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Давлат мулки қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ

Тошкент ш.,  
2005 йил 12 апрель,  
01/06-15/01-сон

Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар  
ишлари қўмитаси раиси Г. САИДОВА

Тошкент ш.,  
2005 йил 12 апрель,  
ГС 05/02-84-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

## **162 Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
30 майда 1333-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 9 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги 490-сонли «Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 42-сон, 447-модда), 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 52-сон, 523-модда), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви 2004 йил 25 февралдаги 35, 74, 2004-24 ва 245-В-сонли қарори билан тасдиқланган «Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида»ги низомга

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.*

(2004 йил 6 апрель, рўйхат рақами 1333 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 14, 26-сон, 172, 306-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан ўн кундан сўнг амалга киритилсин.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 20 май,  
46-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 20 май,  
96-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 20 май,  
№ 2005-26

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 20 май,  
245-В-2-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI MARKAZIЙ BANKI BOШҚARUVINING  
ҚARORI**163** Банкларнинг оддий векселлари ва депозит сертификатлари бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисида»ги янги тахрирдаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
30 майда 1477-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 9 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Банкларнинг оддий векселлари ва депозит сертификатлари бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисида»ги янги тахрирдаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Банкларнинг фойдаланилган ва яроқсиз ҳолга келган оддий вексель бланкаларини йўқ қилиш тўғрисида»ги муваққат низоми (1998 йил 30 ноябрь, рўйхат рақами 555) ва ушбу Низомга 1999 йил 1 апрелдаги 555-1-сонли қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кун ўтгандан сўнг амалга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 12 май,  
10/6-сон

Марказий банки Бошқарувининг  
2005 йил 12 майдаги 10/6-сонли  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Банкларнинг оддий векселлари ва депозит сертификатлари  
бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонунларига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, банкларнинг оддий векселлари ва депозит (омонат) сертификатлари бланкаларини (кейинги матнда — қимматли қоғозлар бланкалари) йўқ қилиш тартибини белгилайди.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.*

## I. Қимматли қоғозлар бланкаларининг сақланиши

1. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ қимматли қоғозлар деб ҳисобланадиган муомалага чиқарилган оддий векселлар ёки депозит (омонат) сертификатлар бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати келганда ёки ижроси муддатдан олдин амалга оширилса, банк-эмитент мазкур қимматли қоғозларни тақдим этилишига қарши қонунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга оширади. Бундай қимматли қоғозлар сўндирилган деб ҳисобланади.

2. Оддий векселлар ёки депозит (омонат) сертификатлар сўндирилгандан сўнг тижорат банкларининг филиаллари томонидан сўндирилган қимматли қоғозлар бланкалари уларнинг рўйхати билан бирга тижорат банклари ҳудудий бошқармалари орқали марказлаштирилган тарзда уларни сақлаш ва келгусида йўқ қилиш учун бош банкка юборилади.

Банкларнинг яроқсиз ҳолга келган ва (ёки) фойдаланилмаган қимматли қоғозлар бланкалари ҳам бош банк омборхонасида сақланиши лозим. Тижорат банкларининг филиаллари томонидан яроқсиз ҳолга келган ва (ёки) фойдаланилмаган қимматли қоғозлар бланкалари уларнинг рўйхати билан бирга тижорат банклари ҳудудий бошқармалари орқали марказлаштирилган тарзда уларни сўндирилган қимматли қоғозларнинг бланкалари билан биргаликда сақлаш ва келгусида йўқ қилиш учун бош банкка юборилади.

3. Сўндирилган қимматли қоғозлари бланкаларига, шунингдек яроқсиз ҳолга келган ва (ёки) фойдаланилмаган қимматли қоғозлари бланкаларига «Сўндирилган» сўзи ёзилган махсус муҳр босилиши шарт.

4. Банкларнинг қимматли қоғозлар бланкалари бош банкдаги балансдан ташқари 90327-рақамли «Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари» ҳисобварағининг алоҳида шахсий ҳисобварағига кирим қилинади.

5. Полиграфия корхонаси (мазкур бланкаларнинг тайёрловчиси) томонидан топширилган қимматли қоғозлар бланкаларининг архив нусхалари бош банкдаги балансдан ташқари 90327-рақамли «Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари» ҳисобварағининг алоҳида шахсий ҳисобварағига кирим қилинади.

6. Банкларнинг қимматли қоғозлар бланкалари ҳисобини тўғри ташкил этиш ва сақлашнинг ўрнатилган тартибига риоя этиш борасидаги жавобгарлик банкнинг раҳбари, бош бухгалтери ва касса мудири зиммаларига юклатилади.

## II. Қимматли қоғозлар бланкаларини йўқ қилиш тартиби

7. Сўндирилган қимматли қоғозларнинг бланкалари қимматли қоғозлар сўндирилган ёки чиқарилиши бекор қилинган кундан бошлаб камида уч йилдан сўнг йўқ қилиниши лозим.

8. Банкдаги мавжуд оддий вексел бланканинг архив нусхаси полиграф корхонаси тайёрланган санадан бошлаб камида уч йилдан сўнг йўқ қилинади.

9. Банкдаги мавжуд депозит сертификат бланканинг архив нусхаси полиграф корхонаси тайёрланган санадан бошлаб камида тўрт йилдан сўнг йўқ қилинади.

10. Банклар Марказий банкка қимматли қоғозлар бланкаларини йўқ қилиш ниятлари тўғрисида мўлжалланган йўқ қилиш санасидан камида 30 кун олдин хабар беришлари лозим.

11. Сўндирилган қимматли қоғозларнинг бланкалари қуйидаги ҳолатларда йўқ қилиниши мумкин эмас:

а) агар қимматли қоғозлар бланкалари прокуратура, тергов ва суриштирув органлари томонидан қўзғатилган жиноий ишларига қўшиб қўйилган бўлса;

б) агар қимматли қоғозлар бланкалари йўқ қилиш вақтида суд муҳокамасида ёзма далиллар ҳисобланса;

в) агар мазкур қимматли қоғозлар бўйича даъво муддати суд қарорига биноан узайтирилган бўлса.

12. Бош банкда қимматли қоғозлар бўлинмаси раҳбарининг билдиришномасига мувофиқ банк Бошқаруви раиси имзоси билан йўқ қилишни ташкил этувчи комиссия таркиби, йўқ қилиш усули (ёқиб юбориш, қирқиб ташлаш, майдалаш) ва йўқ қилиш жойи кўрсатилган ҳолда буйруқ чиқарилади.

13. Қимматли қоғозлар бланкаларини йўқ қилиниши банк-эмитентнинг ўзи ёки шу мақсадлар учун махсус жалб қилинган бошқа ташкилот томонидан амалга оширилиши мумкин.

14. Комиссия таркибига қуйидаги ходимлар киритилиши лозим: Бошқарув раиси ўринбосари, хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш бўлинмасининг раҳбари, бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари, бош банкнинг касса операциялари бошқарма (бўлим) бошлиғи, қимматли қоғозлар бўлинмасининг раҳбари ва банкнинг қимматли қоғозлар бланкаларини йўқ қилинишини амалга оширадиган ташкилотнинг масъул ходими (агар бундай ташкилот жалб қилинган бўлса).

15. Банкларнинг қимматли қоғозлар бланкалари йўқ қилиш учун олинаётганда, 90327-рақамли «Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари» ҳисобварақ бўйича балансдан ташқари чиқим ордери расмийлаштирилади.

16. Қимматли қоғозлар бланкалари йўқ қилиш учун банк кассасидан олинаётганда, бланкалар бирма-бир қайта санаб чиқилади, шундан сўнг уч нусхада рўйхат тузилади. Рўйхатда қимматли қоғозлар бланкалари йўқ қилиш учун кассадан олинаётганлиги, буйруқнинг сони ва санаси, йўқ қилиш учун олинаётган қимматли қоғозлар бланкаларининг сони, номери, серияси ва номинали қайд этилади. Рўйхатнинг бир нусхаси тижорат банкининг кунлик касса ҳужжатларига, иккинчи нусхаси — банкнинг кунлик бухгалтерия ҳужжатларига тикилади ва учинчи нусхаси эса тижорат банкининг қимматли қоғозлар бўйича таркибий бўлинмасига берилади.

17. Қимматли қоғозлар бланкалари бирма-бир қайта санаб чиқилгандан сўнг, мазкур бланкалар комиссия аъзолари томонидан йўқ қилиш жойига етказиб бериш учун мўлжалланган махсус қопларга жойланади, уларга санаси, банкнинг номи, қимматликлар номи, қимматли қоғозлар бланкалари сони ва суммаси кўрсатилган ёрлиқчалар бириктирилади. Ёрлиқларга қуйидаги комиссия аъзолари имзолари қўйилади: Бошқарув раиси ўринбосари, касса операциялари бошқарма (бўлим) бошлиғи, бош бухгалтер (бош бухгалтер ўринбосари), шундан кейин қоплар касса мудирини томонидан пломбланади.

18. Йўқ қилиш жойига етиб келинган, комиссия аъзолари қопларнинг, пломбаларнинг ва ёрлиқларнинг бутлигини текширадилар. Агар қопларнинг бузилганлиги ёки қоплардаги пломба ва ёрлиқларнинг йўқлиги аниқланса, комиссия аъзолари томонидан қоплар ёки пломбалар бузилганлиги, қоплардаги пломба ва ёрлиқлар йўқлиги аниқланганлиги тўғрисида далолатнома тузилади ва бундай қоплар улардаги солинган қимматли қоғозлар бланкалари бутлигини текшириш учун банкка қайтариб юборилади.

19. Қимматли қоғозлар бланкаларини йўқ қилиш жараёнида Комиссия аъзоларининг барчасини қатнашиши мажбурийдир.

20. Йўқ қилиш жараёни тугаганидан сўнг барча комиссия аъзолари томонидан имзоланган, уч нусхада (агар йўқ қилиш банк-эмитент томонидан амалга оширил-

маган бўлса, тўрт нусхада), камида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиб ўтилган ҳолда далолатнома тузилади:

- а) қимматли қоғозлар бланкаларини йўқ қилиш бўйича комиссия аъзолари таркиби; уларнинг Ф.И.Ш. ва эгаллаб турган лавозимлари кўрсатилган ҳолда
- б) банк-эмитентнинг тўлик номи;
- в) қимматли қоғозлар чиқарилишининг рўйхатга олишни бекор қилинган санаси, агар у бекор қилинган бўлса;
- г) қимматли қоғозлар бланкалари йўқ қилиш санаси;
- д) қимматли қоғозларнинг тури, қимматли қоғозлар чиқарилишининг рўйхатга олиш рақами;
- е) йўқ қилинган қимматли қоғозлар бланкаларининг умумий сони;
- ж) қимматли қоғозлар бланкаларининг йўқ қилиш усули.

21. Далолатнома банкнинг ижро этувчи органи томонидан тасдиқланади ва муҳр қўйилади.

22. Далолатномалар қуйидаги тартибда тақсимланади:

- а) биринчи нусхаси — бош банкининг кунлик касса ҳужжатларига тикиб қўйилади;
- б) иккинчи нусхаси — бош банкнинг қимматли қоғозлар бўйича таркибий бўлинмасига берилади;
- в) учинчи нусхаси — йўқ қилинган қимматли қоғозлар бланкаларининг балансдан ташқари ҳисобварағи ҳисобидан чиқарилганлигини тасдиқлаш учун касса операциялари бошқармасига (бўлимга) берилади;
- г) тўртинчи нусхаси — қимматли қоғозлар бланкаларини йўқ қилишни амалга оширадиган ташкилотга берилади (агар йўқ қилиш банк-эмитент томонидан амалга оширилмаган бўлса).

23. Банк қимматли қоғозлар бланкалари йўқ қилинганлиги ҳақида банкнинг қимматли қоғозлар бланкаларини йўқ қилиш санасидан кейинги иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда Марказий банкка қимматли қоғозлар бланкаларини йўқ қилиш бўйича комиссия тузилиши тўғрисида буйруқ нусхасини ва қимматли қоғозлар бланкаларининг йўқ қилиш тўғрисидаги далолатнома нусхасини тақдим этган ҳолда ҳабар бериши лозим.

24. Банкларнинг қимматли қоғозлар бланкалари ҳисобини юритиш дафтарыда қимматли қоғозларнинг тури кўрсатилган ҳолда қимматли қоғозлар бланкалари йўқ қилинганлиги ва йўқ қилинган бланкаларнинг умумий сони ҳақидаги ёзув қайд этилади.

### III. Йўқ қилиш ҳақидаги ҳужжатларни сақлаш муддати

25. Қимматли қоғозлар бланкаларини йўқ қилиш ҳақидаги ҳужжатларни (далолатномалар, рўйхатлар) сақлаш тартиби ва муддати қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI TASHQI IQTISODIY  
ALOQALAR AGENTLIGINING  
QARORI

**164** Ўзбекистон Республикасида товарларнинг келиб  
чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғри-  
сидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
1 июнда 945-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 11 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги **қарор қила-  
ди:**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан 2000 йил 30 июнда ЭГ-01/12-3409-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан 2000 йил 30 июнда 02/20-32-сон билан келишилган «Ўзбекистон Республикасида товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомга (2000 йил 13 июль, рўйхат рақами 945) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. 1.3-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

2. 1.3-банднинг иккинчи хатбошидаги ҳамда 2.4-банднинг биринчи хатбошидаги «ТИАВ» аббревиатураси «ТИАА» аббревиатураси билан алмаштирилсин;

3. 2.5-банд бўйича:

биринчи хатбошидаги «товарнинг ўзбек келиб чиқишига» сўзлари «товарнинг Ўзбекистон Республикасида келиб чиқишига» сўзлари билан алмаштирилсин;  
ўнинчи хатбошидаги «(Р мезони)» сўзи ва «(W мезони)» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. 3.1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Экспертиза натижасида товарнинг Ўзбекистон Республикасидан келиб чиқиши тасдиқланган ва келиб чиқиш мезони белгиланган тақдирда белгиланган шаклда экспертиза далолатномаси тузилади».

5. 3.7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарнинг Ўзбекистон Республикасидан келиб чиқиши ҳақидаги эксперт хулосасини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари, архивда экспертиза далолатномаси билан бирга уч йил сақланади».

6. 3.8-банднинг иккинчи хатбошидаги «ўзбек келиб чиқишига мансуб товар» сўзлари «келиб чиқиш мамлақати Ўзбекистон Республикаси бўлган товар» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. 5.2-банд бўйича:

учинчи хатбошидаги «1993 йил 24 сентябрдаги МДХ ҳукуматлари раҳбарлари Кенгашининг қарорига мувофиқ» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Сертификатларнинг намуналари ТИАА томонидан тасдиқланади».

8. 5.4-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сертификатларнинг, сертификатларни тасдиқлаш мажбурияти юклатилган



шахсларнинг имзолари намуналари ҳамда товарларни экспертиза ва сертификациялаш бўйича эксперт органи муҳрларининг оттисклари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига, шунингдек бошқа давлатларнинг товарларнинг келиб чиқишини сертификациялаш бўйича тегишли ваколатли органларига юборилади»;

9. 6.3-бандида «товарнинг келиб чиқиши ҳақидаги сертификат» сўзларидан кейин «аслининг (асли йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келганда — дубликатининг)» сўзлари билан тўлдирилсин.

10. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан келишилган.

11. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Н. НАЖИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 25 май,  
НН-01/10-2298-сон

**«Келишилди»**

**Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 25 май.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2005 йил 28 майдан 4 июнгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Тижорат банкларининг кредит сиёсатига талаблар тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 12 майдаги 10/3-сон қарори.*

**2005 йил 28 майда 905-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 7 июндан кучга киради).**

2. «Тугатилаётган иқтисодий ночор қурилиш ташкилотларининг қурилиш техникаси, транспорт воситалари ва кичик механизация воситалари, шунингдек молмулкни реализация қилиш натижасида келиб тушган маблағларни уларнинг бюджетга солиқ тўловлари бўйича қарзларини қоплаш ҳисобига «Қурилиш-лизинг» лизинг компаниясига бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг 2005 йил 12 апрелдаги 39, 2005-34, 01/06-15/01, ГС-05/02-84-сон қарори.*

**2005 йил 28 майда 1476-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 7 июндан кучга киради).**

3. «Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий сугуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2005 йил 20 майдаги 46, 96, 2005-26, 245-В-29-сон қарори.*

**2005 йил 30 майда 1333-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 9 июндан кучга киради).**

4. «Банкларнинг оддий векселлари ва депозит сертификатлари бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 12 майдаги 10/6-сон қарори (янги таҳрирда).*

**2005 йил 30 майда 1477-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 9 июндан кучга киради).**

5. «Ўзбекистон Республикасида товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Ташиқ иқтисодий алоқалар агентлигининг 2005 йил 25 майдаги НН-01/10-2298-сон қарори.*

2005 йил 1 июнда 945-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 11 июндан кучга киради).

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Банкларнинг фойдаланилган ва яроқсиз ҳолга келган оддий вексель бланкаларни йўқ қилиш тўғрисида вақтинчалик низом, 1-сонли қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (1998 йил 30 ноябрь, рўйхат рақами 555; 1999 йил 1 апрель рўйхат рақами 555-1).*

*Адлия вазирининг 2005 йил 30 майдаги 79-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

